Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1992 йил 15 август • шанба

№ 119 (10.368). Баҳоси 2 сўм.

Ҳиндистон Республикасининг Президенти

Ш. Д. ШАРМА жаноби олийларига

Ҳиндистон Республикасининг Бош вазири

П. В. НАРАСИМХА РАО жаноби олийларига

Президент жаноби олийлари!
Бош Вазир жаноби олийлари!

Ҳиндистон мустақиллигининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг халқи ва ҳукумати номидан самимий табриклайман. Шу вақт ичида мустақил Ҳиндистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт ишида катта ютуқларга эришди, тинчликсевар сиёсатга амал қилиб, халқаро майдонда катта обрў қозонди.

Дўст халқ ҳаётидаги бу шонли байрам бу йил ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлайдиган ўзбек халқига, айниқса, тушунарли ва яқиндир.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар азалий анъаналарга эга бўлиб, алоқаларимиз икки халқ бахт-саодати йўлида йил сайин мустаҳкамланмоқда.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик 1991 йилнинг августида Деҳли шаҳрида эришилган аҳдномаларнинг мустаҳкам негизида бундан буён ҳам ривожланаверади.

Муҳтарам Президент жаноблари, Бош вазир жаноблари!

Самимий дўстлик ва ҳурмат туйғуларимизни, буюк ҳинд халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ 13 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТДАН ИСЛОМОБОДГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Покистон Ислом Республикасига уч кунлик ташриф чоғида телекоммуникациялар, энергетика, ирригация ва сув хўжалиги, транспорт алоқалари соҳасида ҳамкорлик қилишга, шунингдек сармоя солишни рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга доир ўзаро манфаатли битимларнинг имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Исломободга жўнаб кетиш олдидан Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, Покистон Ислом Республикасига ушбу ташрифнинг муҳимлигини таъкидлади. Мустақил Ўзбекистон Афғонистон, Покистон, Ўрта Осиё республикаларини ўз ичига олган катта минтақада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни вужудга келтириш учун қатъий ҳаракат қилаётганлиги айтилди.

Шу сабабли Тожикистондаги воқеаларни мазкур минтақада, биринчи навбатда Афғонистонда юз бераётган жараёнлардан ажралган ҳолда баҳолаш, тинчлик ўрнатишга Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. У қўшнилар билан муносабатларни тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида қуришга тайёрдир. Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият шундайки, ҳеч қандай мамлакат бир ўзи олга томон ҳаракат қила олмайди. Бинобарин, бу хусусда иқтисодий ҳамкорлик масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан алоқаларни ривожлантириш, автомобил йўллари қуриш зарур. Шу йўл орқали юкларни Ҳинд океани соҳилида жойлашган бандаргоҳларга тезда етказиш мумкин бўлади. Алоқаларни ривожлантириш ва йўллар қуриш учун эса тинчлик ва барқарорлик зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган, Хельсинки битимини имзолаган мустақил Ўзбекистон минтақадаги вазиятни меъёрий изга солиш учун бутун кучини сарфлайди. Шу муносабат билан ҳозир Покистон Ислом Республикасига ташриф алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аэропортда И. А. Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишиларни республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Р. Ражабов, Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида Покистон Ислом Республикасининг Тошкентдаги муваққат ишлар вакили Заҳир Жонжуа бор эди.

(ЎзА).

• *Ғалламиз—совғамиз*

ҲИРМОН МЎЛ БЎЛДИ

МУСТАҚИЛ Ватанимизнинг саховатли заминида етиштирилган бўлиқ дон маҳсулотлари дастурхонимизни безайдиган чоғлар яқин. Шунинг учун ҳам дон ёки мева-чевадан мўл-кўл ҳосил олингани тўғрисидаги ҳар бир қувончли хабар қалбимизни шавқ-завққа, юзимизни табассумга тўлдиради. Вилоятимиз ғаллакорларининг республикамиз мустақиллиги бир йиллиги олдидан зафар қўчганлари ҳаммани хушнуд этди. Жами 49 минг 17 гектар майдонга уруғ сепилиб, ҳар гектар ердан 17 центнердан ошириб ёки 79 минг 820 тонналик хирмон уйилди. Ана шу ҳосилнинг 32 минг тоннаси республикамиз ғалла хирмонига тўкилди.

Вилоятимиз зиммасига олган юксак масъулиятни адо этишда Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Паркент каби районларнинг ҳиссаси катта бўлди. Айниқса, Қуйи Чирчиқ райони ҳар гектардан 34,5 центнер, Оққўрғон райони ҳар бир гектардан 29 центнергача, Чиноз райони эса 23 центнергача, Оҳангарон 5,5 минг тоннадан ошириб, Бўстонлиқ 2 минг 670 тоннадан ортиқ, Бекобод райони эса 4 минг тоннага етказиб ғалла йиғиб олди.

Эришилган ғалабада механизаторларнинг, заҳматкаш деҳқонларнинг юксак унум билан меҳнат қилиб, ерни сифатли шудгорлаш, бароналаш, суғориш, етарли нам тўплаш, ўғитлаш, мола босиш, обдон яхшилаб текислаш, уруғ сепиш, ўрим-йиғим ишларини турли қийинчиликларга қарамай сабот-матонат билан уддалаганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда ҳам улар тиниб-тинчиганлари йўқ, аксинча, ғалласи ўриб-йиғиб олинган майдонларни дарҳол суғориб, техника билан яхшилаб ишлов бериб, маккажўхори экишмоқда.

Республикамизда озиқ-овқатга, хусусан, ун ва ун маҳсулотларига эҳтиёж ошиб, талаб билан таклиф ўртасида номутаносиблик сезилган пайтда вилоятимиз миришкорлари уйган бу ғалла хирмони ҳақиқий фидойилик намунасидир. Бунинг учун, албатта, барча имкониятлар ишга солинди. Тежамкорлик ва тадбиркорлик билан ишни тўғри ташкил этиш натижасида хўжаликларда 330 га яқин комбайн билан деярли икки сменада иш олиб борилди. Деҳқонларга, механизаторларга ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Мусобақа ғолиблари тақдирланди. Режадан ошиқча йиғиб олинган ҳосилдан Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районларда ҳар бир меҳнаткашга камида 100 килограммдан буғдой тарқатилди.

Бу йилги ҳосил чўғи бундан ҳам баланд бўлиши, шубҳасиз. Чунки, ҳали Оҳангарон, Паркент, Бўстонлиқ районларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда.

Хуллас, вилоят меҳнаткашлари ошиб ўтган юксак довон, етиштирилган мўл ҳосил барчанинг қувончига қувонч қўшди. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги олдидан бу чинакам ғалаба бўлди. Биз вилоят деҳқонларини, миришкор ғаллакорларини ютуқ билан чин қалбдан қутлаймиз. Уларнинг келгусидаги амалга оширажак барча ишларида янада қатъиятлик, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда бардамлик тилаймиз.

ЮЗМА-ЮЗ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Шарқ мамлакатлари билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Эҳтимол, бунинг сабабини тарихий қондошлик ришталаридан, дин, маданият, урф ва одатларимизнинг ўхшашлиги, ҳатто бирлигидан ахтариш керакдир. Эндиликда бу қонуний жараён оқими шиддатли тус олмоқда. Бош министр Муҳаммад Навоз Шариф раҳбарлигидаги Покистон Ислом Республикасининг расмий делегацияси Тошкентда қабул қилинганига бир ой ҳам бўлгани йўқ. Ўша пайтда имзоланган шартномаларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий давлат ташрифи билан Исломободга жўнади.

Давр ўлчови билан чамалаганда, йўл унчалик узоқ эмас. Икки ярим соатдан сўнг Президент самолёти дўст мамлакат пойтахтига қўнади. Уни Покистон Ислом Республикаси Президенти Ғулом Исҳоқ Хон ва Бош вазир Муҳаммад Навоз Шариф қарши оладилар. Самимий кўришишлар. Покистон тупроғига қадам ранжида қилган юксак меҳмон шарафига фахрий қоровуллар саф тортади, аэропортдан Айвони Садр саройи томон йўл олган автомашиналар кортежини Исломобод аҳли қизғин қутлайдилар.

Ташриф даврининг ҳар бир дақиқаси ҳисобга олинган. Ҳадемай Покистон Бош вазири билан расмий суҳбатлар бошланади, ҳар иккала томон учун муҳим бўлган қатор ҳужжатлар имзоланади. Ташрифнинг биринчи куни, яъни саройда Ўзбекистон Президенти ва Покистон Президенти ўртасида ишончли суҳбат бўлиб ўтгандан сўнг Ислом Каримов Ғулом Исҳоқ Хонга ўз миннатдорчилигини билдирди. Сўнгра Ислом Каримов шарафига расмий қабул ўтказилди, унда Президентлар нутқ сўзлашди.

Президент раҳбарлигида делегациямизнинг ташрифи покистонликларнинг катта байрамига, қайсиким, улар ҳар йили 14 августда нишонлайдиган Покистон Ислом Республикасининг Мустақиллик кунига тўғри келди. Шу куни Ўзбекистон меҳмонлари Покистон пойтахтининг Парламент майдонидаги жуда катта байрам тантаналарида қатнашадилар. Сал кечроқ Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари ҳамда Покистон Бош вазирининг учёқлама учрашуви ўтказилиши мўлжалланган.

Шунингдек, расмий давлат ташрифи дастуридан Ислом Каримов икки мамлакат дўстлиги рамзи сифатида кўчат ўтказиши лозим бўлган Миллий боғга бориш, Корачи шаҳри ва Покистон давлати асосчиси мавзолейида бўлиш, Корачи порти акваторийсини кўриш, давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувлар ўтказиш, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни кенгайтиришга уринаётган тадбиркор инсонлар билан суҳбатлашиш каби тадбирлар ўрин олган.

Бу ташриф Покистон жамоатчилиги диққат марказида бўлади, маҳаллий матбуот уни кенг ёритиш ниятида. Бу учрашувларнинг аҳамиятини икки мустақил мамлакатнинг бир-бирлари томон, яъни юзма юз ташлаган биринчи ва залворли қадамлари орқали янада чуқурроқ ҳис этишимиз аниқ.

● *Вилоят ҳокимлигида*

БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни вилоят ҳокими, мазкур комиссия раиси С. Д. Сайдалиев олиб борди. Мажлисда комиссия аъзолари: вилоят ҳокими ўринбосарлари, район ва шаҳарларнинг ҳокимлари, ҳокимлик бошқармаларининг бошлиқлари ва бўлим мудирлари, турли хизматларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Байрамга тайёргарликнинг бориши, бу иш жойларда қандай кетаётганлиги, шу муносабат билан қандай муаммоларни тезда ҳал қилиш зарурлиги масаласи муҳокама қилинди. С. Д. Сайдалиев ҳозирги вақтдаги ишларнинг аҳволи, олиб борилаётган ишлар тўғрисида мажлис қатнашчиларига ахборот берди. Байрамга тайёргарлик муносабати билан тегишли хизматларнинг фаолияти муфассал таҳлил қилинди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикрлар алмашинилди.

Айни бир вақтда мажлисда қишлоқ хўжалиги муаммоларига тўхтаб ўтилди, мавсумий бир қанча қишлоқ хўжалик ишларини тезроқ ва сифатли ўтказишнинг долзарб вазифалари белгиланиб, барча куч ва имкониятларни иқтисодий фаолиятни яхшилашга сафарбар этиш юзасидан аниқ тадбирчоралар белгиланди.

Комиссия аъзолари, мажлис қатнашчилари ўз сўзларида турли маслаҳат ва таклифлар билдирдилар. Муҳокама якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни байрамини вилоятнинг барча шаҳар ва районларида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ва бошқа масалаларни ҳал қилишнинг аниқ чоралари белгилаб олинди.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ОЛДИДАН

«СОВПЛАСТИТАЛ»НИНГ БАЙРАМГА ТУҲФАСИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг қалдирғочи бўлмиш «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси обрўси баландлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган куннинг бир йиллиги арафасида бу ерда байрам рамзи туширилган буюмлар туркуми ишлаб чиқарилди.

Биринчиси, ва балки, энг муҳими шуки, Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг хорижий давлатларга учадиган самолётлари озиқ-овқат маҳсулотлари солинадиган пластик идишлар билан таъминлана бошлади. Барча тараққий этган мамлакатларда маҳсулотларни ана шундай идишларга солиш одат бўлган. Афсуски, бир вақтлар барча тан олган обрўли яккаҳоким «Аэрофлот» ҳам бундай қилишни ўзига эп кўрмайди.

Август ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб республика савдо дўконларига байрам рамзи тасвирланган полиэтилен халтачаларнинг тўртта нусхаси келади. Стулларнинг янги хиллари чиқарилди.

— Жамоада республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган дастурни ишлаб чиқишга жуда жиддий ёндашишди, — дейди «Совпластитал» қўшма корхонасининг бош директори А. Мелкумов. — Бунинг учун энг яхши кучларимиз — конструкторлар, дизайнерлар, технологлар ишга жалб этилди. Бизда бу воқеа оддий воқеа эмаслигини, унга жуда жиддий тайёргарлик кўриш лозимлигини яхши тушунишади.

Александр Николаевичнинг сўзларига шуни қўшимча қиламизки, вужудга келган анъанага кўра «Совпластитал» жамоаси Тошкентдаги 22- ва 29-болалар уйларининг тарбияланувчиларига катта мадад кўрсатишди. У ерга мебель, идиш-товоқ жўнатилди.

Энди энг қизиқ бир нарсани айтиб ўтамиз: 26 августдан бошлаб «Совпластитал»нинг маҳсулотлари сотиладиган дўконларда харидорларни ёқимли янгилик кутади. Хўш, бу қандай янгилик экан? Сиз бунни харид қилгани келганингизда биласиз.

ЎзА мухбири.

ТИНЧЛИК ● ХАМКОРЛИК ● МУСТАҚИЛЛИК
ЎЗБЕКИСТОН
1992-1 сентябрь

ТОШКЕНТ — ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

БИР ДАРЁНИНГ ИККИ ҚИРҒОҒИ

ҚАДИМДАН қон-қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг анъаналари, урф-одатлари, маросимлари уйқаш, ҳамоҳанг. Улар бир-бирини тўлдирувчи халқ десак, адашмаймиз. Чунки, бирлари пахтакор, сабзавоткор, полизчи, деҳқон бўлса, бирлари сурув-сурув қўй-қўзилар, минглаб тонна ем-хашак тайёрловчи чорвадордир. Бу дўстлик ришталари халқларимиз узоқ йиллардан буён орзу қилган мустақилликка эришгач, янада ривожланди.

Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятимизнинг Зангиота тумани вакиллари қўшни Қозоғистон республикасининг Чимкент вилоятидаги (ҳозирги Жанубий Қозоғистон) Казбекбий (аввалги Киров) номли туманида меҳмон бўлиб қайтгандилар. Орадан бир мунча вақт ўтди. Эндиликда ташриф навбати Казбекбий тумани вакилларига келди, Туман ҳокими Кенжатой Сарсенов бошчилигидаги чимкентлик меҳмонларни 12 август куни Зангиота тумани ҳокими Жамил Маликов бошчилигидаги мезбонлар йўл бўйида карнай-сурнай, ноғора садолари остида бағрларини кенг очиб, дўстона кутиб олдилар. Қозоқ миллий либосларини кийиб олган хушфеъл қизлар одат бўйича меҳмонларга нон-туз тутдилар, гулдасталар тақдим этишди. Шундан сўнг мезбонлар меҳмонларни Зангиота давлат хўжалигидаги боғда ташкил қилинган нонуштага таклиф қилдилар. Шу ерда улар бир-бирлари билан танишишди, кўнгил сўрашдилар. Соғлиқ-саломатлик, ишда муваффақиятлар тилаб, омонлик исташлар қўшиниб кетди. Иккала туман ҳокими йўналиш дастурини келишиб олишди.

Шундай қилиб, Зангиота тумани билан танишиш Зангиота давлат хўжалигидаги вино заводидан бошланди. У ердаги ишчиларга яратилган шароитлар, дастлабки ишлов бериш, ишлаб чиқариш цехлари ҳақида батафсил гап борди. Бу ердан чиқиб Алишер Навоий номли жамоа хўжалигига қараб йўлга тушдилар. Казбекбий туманидаги «Қўғали» давлат хўжалиги директори Жаббор Абдуазимов йўл-йўлакай фикрларини баён этди.

— Билмаган жойни билсак, ўргансак, дўстлашсак, қандай яхши, — деди у, — Мана биз пахта, жун, асосан чорвачилик билан шуғулланамиз. Зангиота туманидан кўплаб техника ва механизмлар оламиз. Энг муҳими бу эмас. Биз қадр-қимматни, оғир маҳалларда ёнда туришни, кўмаклашишни ўрганяпмиз. Яна шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, мен Ўзбекистонни кезар эканман, биз қардош республикалар бирлашишимиз кераклигини сездим.

Жанубий қозоғистонлик қардошларимиз Алишер Навоий жамоа хўжалигида йилига 5 миллион шартли банка маҳсулот чиқарадиган консерва заводидаги томат тайёрлаш, жойлаш, жўнатиш цехларини қизиқиш билан томоша қилиб, олхўри, шафтоли, олма ва бошқа турли меваларидан тайёрланган ичимликлар, қайнатмалардан тотиб кўришди. Мустақиллик туфайли ўз имкониятларидан кенг фойдаланаётган ўзбек ишбилармонларининг шиша синиқларидан ваза ясаётганларини кўриб қувонишди. 23 гектарлик иссиқхонани айланиб чиқишди. Шунингдек, Зангиота туман тайёрлов, сақлаш, қайта ишлаш ва савдо ширкатига қарашли гўшт, парранда, балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхонанинг иш жараёни билан танишиб чиқишди. Кунига 1,5 тонна мевани қуритадиган қурилма, консерва цехлари ҳам меҳмонларнинг диққатини тортди. Айниқса, «Дўстлик» паррандачилик-наслчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ГФРнинг «Ломон» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ 40 кунда 2 килограмм семирадиган товуқлар довруғини Қозоғистонга олиб кетиш ва у ёқда ҳам ана шундай паррандачилик фермасини бунёд этишга аҳд қилдилар.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида уюштирилган тушликда Жанубий Қозоғистон вилояти Казбекбий тумани ҳокими Кенжатой Сарсеновдан таассуротларини гапириб беришини сўрадик.

— Бизни Зангиотага келишимиздан мақсад бу ердаги тили бир, дини бир дўстларимизнинг ютуқларини, янгиликларини кўриб, ўзимизда тадбиқ қилишдир. Бизда йўқ нарсаларни айирбошлашдир. Чунки, туманимиз 56 минг тонна пахта етиштиради. Бироқ, иккала томонда ҳам уни қайта ишлаш заводи йўқ. Мана, бизнинг туманимиз экин майдонларида жуда кўплаб етиштирилган мева-сабзавотлар нес-нобуд бўлади. Ёки ташлаб юборилади. Зангиотада эса мева-чева, сабзавотни қайта ишлаш жуда яхши йўлга қўйилибди. Айниқса, колбаса ишлаб чиқариш, балиқ, парранда дудлаш цехлари, ваза ишлаб чиқариш ва ҳоказо янгиликлар менга жуда ёқди. Мана, ишлаб чиқарса бўларкан-ку. Қардош қўшниларимизнинг кўп нарсани билишига амин бўлдик. Хурсанд бўлдик. Қолаверса, бу битта туман миқёсидаги ишлар. Демак, Президент Ислом Каримов бошчилигида ҳали бу кўҳна Турон заминни янада гуллаб-яшнашига ишонамиз.

Казбекбий туманидаги Делдобеков номли уюшма директори Мирзааҳмад Назанов суҳбатимизга қўшилди:

— Биз 10 минг тонна пахта, минг тонна сут, ўн тонна пилла, 600 тонна полиз маҳсулотлари ва бошқа нарсалар етиштирамиз. Зангиоталиклар билан йигирма йилдан буён борди-келди қиламиз. Бу ернинг халқидай ажойиб, меҳнатсевар, одамохун халқ йўқ десам, янглишмайман.

Зангиота тумани ҳокими Жамил Маликов эса ўз навбатида бундай деди:

— Ён қўшни — жон қўшни, дейди доно халқимиз. Бизларнинг орамизда азалдан дўстлик мавжуд. Қозоғистон вилоятидаги Келес ҳамда Казбекбий туманлари билан 16 миллион сўмлик товар айирбошлаш учун шартнома тузганмиз Чунки, бизда ем-хашак етиштириш учун ер кам. Казбекбийликларда эса ем-хашак, сомон кўп. Гилам сотсанг қўшнингга сот, ярмида ўзинг ўтирасан, деган мақолнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўляпмиз.

... Меҳмонлар ҳамма жойда катта ҳурмат, иззат-икром билан кутиб олинди. Улар учун Зангиота туманидаги хонандалар ўзбек ва қозоқ қўшиқларини куйлаб, дилларини хушнуд этишди. Учрашув ниҳоятда байрамона вазиятда ўтди. Қозоғистонликлар юртларига яхши таассуротлар билан қайтишди.

Ҳа, икки тош йўл наридаги маҳалладош билан ҳафтасига бир кўришсанг, қўшнинг билан ҳар куни юзлашасан. Бу икки қардош туманнинг ўзаро амалий ҳамкорлиги ҳам, шубҳасиз, туманлар ободлиги, халқларимиз равнақи учун хизмат қилади. Азалдан ўзбеклар ва қозоқларни бир дарёнинг икки қирғоғига ўхшатишади. Уларнинг дўстлиги абадул-абад бўлишини эса Зангиотадаги бўлган учрашувдан сўнг янада аниқроқ ҳис этдик.

Тўлқин ЕРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда учрашувдан лавҳалар.

Сураткаш
В. ХАРИТОНОВ.

ВИЛОЯТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА

ЧИҚИТ ҚОҒОЗНИ ЁҚИБ ЮБОРМАНГ

НЕГА дейсизми? Зарар қиласиз. Яхшиси уни Бўстонлиқ район тайёрлов савдо ширкати бирлашмаси ташкил этган қоғоз қабул қилиш шўъбасига топширсангиз ҳамёнингизга янада барака киритишингиз тайин. Ҳозирча Ғазалкент деҳқон бозори ва Искандар қўрғонида ишлаб турган бу шўъбалар қоғоз топширувчиларга бир тоннаси учун нақд 1800 сўмни санаб бермоқда.

ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

ҲОЗИРГИ пайтдаги тақчиллик ҳамда нарх-навонинг юқорилигига қарамасдан Ғазалкент шаҳрида янги турар-жой бинолари қад ростламоқда. Бу ердаги қурилиш ишларига «бели бақувват» ҳисобланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси «ҳомийлик» қилмоқда. Шу йил охиригача ҳар бири 32 оила учун мўлжалланган иккита уй фойдаланишга топширилади. Бунинг учун буюртмачи корхона беш миллион 600 минг сўм маблағ ажратди. Қурилиш ишларини 2-механизацнялашган уйсозлик корхонаснинг биринчи Ғазалкент участкаси ишчилари амалга оширмоқда.

Ж. ҚАҲҲОРОВА.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДА

АРЗОН НАРХДА ЧИТ

НОҲИЯДАГИ бир неча жамоа хўжалиги бошқарувларининг ўзаро келишувига асосан Иваново шаҳридан маҳсулот айирбошлаш эвазига 550 минг метр газлама келтирилди. Х. Турсунқулов номли, «Янги ҳаёт». «Ниёзбош», Н. Ниёзов номли жамоа хўжаликларида ҳар бир оила учун 50 метрдан чит тарқатилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, дала ва ферма меҳнаткашларига газлама давлат нархидан 30 фоиз арзонга сотиляпти.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙДИ

НОҲИЯ матлубот жамиятлари уюшмасининг қандолат маҳсулотлари цехида йилига 180 тонна макарон ишлаб чиқарувчи тармоқ ишга туширилди. Ҳозирча цехда кунига 550—600 килограммдан макарон ишлаб чиқарилиб пешма-пеш савдо дўконларига жўнатилмоқда. Бу халқнинг макарон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун кўрилган муҳим тадбирлардан биридир.

А. РИХСИБОЕВ.

ДАЛА ШИЙПОНИДА МУЛОҚОТ

Биз хоҳлаймизми йўқми, бугунги кунимиз эртанги тарихимиздир. Тарих ғилдиракларини ҳеч ким тўхтата олмаган ва тўхтата олмайди. Она-Ватанимиз мустақилликка эришган куннинг бир йиллигига саноқли кунлар қолди. Ҳа, ана шу бир йил ичида республикамизда кўп ажойиб ўзгаришлар бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши, унинг мустақиллигини 140 га яқин хорижий давлатлар тан олиши, Тошкентда кетма-кет 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг элчихоналари очилиши, 1 сентябрдан бошлаб юзлаб фарзандларимизнинг чет эл коллеж, лицей, олий ўқув юртлари, дорилфунунларда ўқишлари, чет эл давлатлари билан савдо алоқаларининг тикланиши, улар билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш... Янгиликларни яна кўп давом эттириш мумкин. Байрам арафасида жойларда олимлар, мутахассислар билан бўлаётган учрашувларда Мустақиллигимиз самаралари, уни мустаҳкамлаш учун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз кераклиги ҳақида гап бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг бир йиллигига бағишлаб Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси, Ўзбекистон зиёлилари Тошкент вилоят ташкилотининг Бўка райони «Ачамайли» жамоа хўжалигидаги Худойберди Абдужабборов бошчилигидаги бригада аъзолари, фан ва маданият арбоблари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмасининг президенти Эркин Юсупов кириш сўзи билан очди. У халқимиз бу мустақилликка ўз-ўзидан эришмаганлиги ҳақида айтиб берди.

— Россия тупроғимизни босиб олгандан бошлаб халқимиз мустамлакачилик қуллигидан қутулиш учун кураш бошлаган эди,—деди у.— 1916 йилдаги қўзғолон, жадидлар, босмачилар ҳаракатини шу кунгача қоралаб келдик. Ахир улар миллат учун жон куйдирган, халқининг эркинлиги учун курашган фидойилар эди. Уларнинг мақсади — Ўзбекистоннинг мустақиллиги, шу мустақил давлатнинг иқтисодий, маданий тараққиётига эришиш эди. Энди биз тарихга янгича кўз билан қарамоқдамиз. Қўрбоши Мадаминбек фақат талон-тароқлик билан шуғулланган эмас, динни тиклаш, Ўзбекистонда мустақил давлат барпо қилиб, бизнинг юртимизни босиб олган кучларнинг ҳаммасини тупроғимиздан ҳайдаш учун курашган.



1937, 1950—1953 йилларда қанчадан қанча ўзбек зиёлиларининг ёстиғи қуриди. Биз мустақилликка юзлаб йиллар курашиб келдик. Демак, бўлаётган кейинги воқеаларга ана шу курашлар самараси деб қараш керак. Биз заиф миллат эмасмиз. Ота-боболаримиз дунёни тебратган, олимларимизга дунё тан берган, халқимиз бошқа миллатга ҳеч қачон тобе бўлмаган. Биз миллий қадрият, миллий ғуруримизни тўла тиклашимиз керак.

Шундан сўнг ЎзФА академиги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий назорат қўмитасининг раиси Шавкат Ўрозаев, ҳозирги аҳвол, Ўзбекистоннинг бугунги ва келажаги тўғрисида маъруза қилди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-текшириш институти шўъба мудири Зуҳрахон Собирова меҳнат ресурслари, баҳо муаммолари ва сув муаммолари, бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харид нархларининг қай даражада ўсганлиги ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котибаси шоира Гулчеҳра Нуруллаева эса ўзининг янги шеърларидан ўқиди.

Учрашувда 3-бригада аъзолари келган меҳмонларга ўзларини қизиқтирган саволларини беришди.

Мелибой ЗУҲУРОВ:

— Деҳқонларга шаҳар бозорларида барча шароит яратиб берамиз дейилади-ку, лекин Тошкент шаҳар бозорларида қачон тартиб бўлади?

Гулжаҳон КАРИМОВА:

Мен жамоа хўжалиги қошидаги боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Шаҳарда энг кам ойлик, нафақа минг сўм дейишяпти. Мен эса 600 сўм оламан. Икки фарзандим бор, умр йўлдошим қазо қилган. Унга бериладиган нафақа билан ойлигим бор-йўғи 950 сўм бўлади. Бормаган ташкилотим қолмади... Маҳфуза ҲУСАНОВА:

— Мен пахта қабул қилиш жойида катта лаборант бўлиб ишлайман. Халқимиз болажон, йўғида бешта боласи бор. Далачилик. Ҳукуматимиз ажратган бир ойга бир кишига берилаётган яримта совуни ҳеч нарсага етмаяпти. Киши бошига бериладиган совун миқдори оширилса яхши бўларди.

Эркин ФАЙЗИЕВ, сувчи:

— Бир нарсага ажабланаман. Шаҳарда нон тўрт-беш сўм (хилига қараб). Бизда эса қандай нон бўлишидан қатъий назар — беш сўм. Буни текширадиган, бирорта назорат қиладиган ташкилот борми?

Ҳа, шунга ўхшаш ҳар хил саволлар берилди. Учрашув қатнашчилари уларни тегишли ташкилотларга етказишларини айтишди. Ўйлаймизки, ачамайлиликларнинг бу ҳоҳиш-истаклари, талаб-эътирозлари ўрганилиб, ҳар бир таклиф юзасидан аниқ чоралар кўрилишига ҳаракат қилинади. Ана шундагина меҳнаткашлар билан мулоқотнинг таъсирчанлиги ортади.

Кечада Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ўзининг классик куй ва қўшиқлари билан дала меҳнаткашларини хушнуд этди.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.



ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1993 йил учун обуна бошланди. Сиз севимли ва қадрдон газетангизни янги йилнинг 1 январидан мунтазам ўқишни истасангиз шу кунларда алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига келинг. Алоқа бўлимлари ходимлари, матбуот тарқатувчилар Сизларга обунани расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Шуни унутмангки, «Тошкент ҳақиқати» дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Бунинг устига газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 366 сўм 60 тийин. Олти ойга — 183 сўм 30 тийин, уч ойга — 91 сўм 65 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси—64672.

МЕҲРГА ЗОР САБОҲАТ

ШУНДАЙ қизнинг рангу-рўйига қараб туриб, у ҳеч қандай меҳрга зор эмас, дегинг келади. Ҳа, нималар келмайди хаёлга! Аммо на иложки, тўғрисини айтишга мажбурмиз: Сабоҳат ҳақиқатан ҳам меҳрга зор қиз! Унинг шиддат билан тикилиб турган кўзларига қаранг-а, бир эътибор беринг-а. Бизга, сизга бир илтижо билан боқиб турибди... Фақат, фақат йиғлолмайди, Ғурури йўл бермайди...

Мен Сабоҳатга биринчи марта рўпара келганимда, юрагимнинг аллақаерида бир нима чирт этиб узилгандек бўлди. Аммо кўнгил сўрашдан бошқа нима ҳам қилиб бера олардим...

Дастурхон атрофига йиғилган оила аъзолари билан кўз уриштириб чиқаман: ҳаммасининг кўзларида ўша — Сабоҳатнинг илтижоли боқишларининг акс-садоси. Мен бир бурчакда жуссаси кичиккина, ғамгин ва хомуш ўтирган бу қизга яна қарайман: саккиз ёшидан бери чап қўли билан чап оёғи ишламай, шол бўлиб қолгани учун ўнг қўлининг тирсагидан тепасига боғич боғлаб олган (кейин маълум бўлишича, Сабоҳатнинг бу ўнг қўли иккинчи оёқ вазифасини ўтаб, «юришга» ёрдам берар экан). Акаси Мирқодир Одилов 33 яшар синглиси Сабоҳатга махсус аравача (коляска) қидирмаган жойи қолмабди. Икки қўлли аравача эса бир қўлли ногиронларга тўғри келмас экан.

— Тегишли жойларга мурожаат қилдингларми?— сўрадим оила аъзоларидан.— Наҳотки бутун бошли жумҳуриятимизда бир қўл билан бошқариладиган аравача бўлмаса?

— Йўқ экан-да,— деди Мирқодир ака хуноб бўлиб. — Бўлмаса, Сабоҳат шу ерда ўтирармиди?! Кўчага чиқар эди, одамлар билан гаплашиб, чигили ёзиларди.

— Айтмоқчи, Сабоҳатхон, шифокорлар сиздан хабар олиб туришадими?

— Бир марта қулоғим оғриганда чақиртирган эдик. Билмадим; ишлари кўп шекилли, келишгани йўқ.

— Сизга қайси поликлиника хизмат қилади?

— Акмал Икромов районидаги 8-поликлиника.

— Умуман хабар олишмас экан-да. Телефонларингиз ҳам бор экан?!

— Телефон бир йилдан бери «миқ» этмайди. Ҳозир пулини ҳам тўламай қўйдик. Негадир бизга...— Сабоҳат ерга қараб олди.— Эътибор йўқ.

— Ундай деманг, «Пахтакор» маҳалласи аҳил, иноқ дейишади. Ранс ёки хотин-қизлар қомитети ранси хабар олиб турса керак. Бунинг устига яқинда Туркиядан бизга кўп миқдорда ёрдам юборишди. Ахир бирор нарса ажратишгандир?!

Сабоҳат бош чайқади:

— Қайдам, аммо бизга ҳеч нарса дейишгани йўқ. Менга ҳадялар эмас, фақат биттагина аравача керак. Тошкентни бир айланиб чиқсам армоним йўқ эди. Нега дейсизми? Газета-журналлардан, радио-телевизордан ўқиб, кўриб бораман: ҳозир Ўзбекистонимиз, унинг пойтахти шунақа яшнаб-гуркираб кетибдики, эҳ, нимасини айтасиз. Шуларни ўз кўзим билан кўргим келаяпти. Тушунаяпсизми, Ўзбекистонимиз ҳақиқий мустақил давлат бўлиб бораяпти. Оҳ, мен буларни шунақа кўргим келаяптики, кўргим келаяпки, энди республикамиз эркин, мустақил давлат. Ҳар бир муаммосини ўзи, жойида ҳал қилишга қодир. Келинг, бошқа мавзуларда гаплашайлик. Эшитишимизча, бўш вақтларингизда тикувчилик қилар эмишсиз?!

— Ҳа,— деди Сабоҳат кўз ёшларини артиб.— Фақат моҳир тикувчи эмасман. Ўзим учун тикаман. Давлат томонидан берилаётган нафақаларга мато сотиб олсам, ўзимга кўйлак ва бошқа кийимлар тикаман. Кўрпачалар тикаман.

— Яна қандай ўтказасиз бўш вақтларингизни?

— Китоб, журнал-газеталар ўқийман. Бу йил қиммат бўлгани учун ҳаммасига ёзила олмадим.

— Кўпроқ қайси ёзувчиларнинг китобларини ўқийсиз?

— Мен кўпдан бери Мирмуҳсиннинг асарларини севиб ўқийман. Деярли ҳамма китобларини ўқиб чиққанман. Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Саид Аҳмад, Шукруллонинг бирон ерда китоби чиққанини эшитсам, акамга ялинаман. Акам роса раҳмдиллар. Аммо ҳозир негадир ўзбекча китоблар камайиб қолди... «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат» журналларини ҳам топа олмаяпман. Газеталардан ҳам олиб тураман.

Ўйга толаман. Нега мутасаддилар, хотин-қизлар қомитети аъзолари Сабоҳатларнинг оиласига бефарқ қарашади? Наҳотки? Ишонгим келмайди. Яна ўйга толаман. Агар Сабоҳат аравачага эришса, балки, бирон юмуш билан шуғулланар, ўз эҳтиёжларини қондиришга янада кўпроқ ҳаракат қилар.

Зоир ТУРСУНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўйлаймизки, Акмал Икромов районидаги «Пахтакор» маҳалласи, Марс кўчаси, 39-уйда яшовчи Сабоҳат ва унинг оила аъзоларига район Ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бўлимидаги мутасаддилар яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Жумҳуриятимизда хайрли ишларни амалга ошираётган хайрия жамғармалари ҳам бу савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшсалар, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА МАДАД

Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари эндиликда зарур маҳсулотлар билангина эмас, балки тақчил озиқ-овқат ва саноат моллари билан ҳам таъминланишган. Касаба уюшмаси комитети маъмурият билан тил топишди ва маҳсулот айирбош қилиш натижасида алмаштирилган молларнинг бир қисми жамоа тасарруфига тушаётган бўлса, яна бир қисми бозор заруратлари туфайли хом ашё етказиб берувчиларга топширилмоқда.

— Бирлашма қўшимча маҳсулотни ўзи тасарруф этиб, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида жон куйдирмоқда,— деди касаба уюшмаси комитетининг раиси Н. Авдеенко.— Айни пайтда раҳбарият меҳнат жамоаси кенгаши билан бамаслаҳат бартер битимига мувофиқ гўшт, картошка, конфетлар ва бошқа маҳсулотларни, рўзғор техникасини, пойабзал ва кийим-кечакни харид қиляпмиз. Буларнинг ҳаммаси жамоа аъзоларига сотилмоқда. Ишчиларимиз ғамхўрликни ҳис этиб, яхшироқ ишлашга, кўпроқ маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилишмоқда.

Ёрдамчи хўжалик ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катта мадад бўлмоқда. У ерда ҳар йили юз тоннагача гўшт етиштириляпти. Касаба уюшмаси қўшимча фойда ҳисобидан овқатланиш, транспорт учун ҳақ тўлаяпти, болалар боғчаларидан фойдаланиш нархи ҳам анча камайтирилди.

Касаба уюшмаси комитети олинган озиқ-овқат ва саноат молларини цех комитетлари орқали сотиб, бартер битимларига мувофиқ олинган маҳсулотларнинг бир қисмини эркин сотиш учун завод магазинига чиқармоқда, лекин бу магазиндан ҳам жамоамиз. бирлашманинг барча меҳнаткашлари фойдаланадилар.

(ЎзА мухбири).

ШАРҚШУНОСЛИК ЛИЦЕЙИ

ЎЗБЕКИСТОНнинг мустақилликка эришганлиги ўз-ўзидан иқтидорли, чет тилларни пухта биладиган мутахассисларга талабни оширмоқда. Бу давр талаби. Ана шуларни ҳисобга олган Собир Раҳимов район халқ таълими бўлими янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда чет тилларни ўқитиш ишларини яхшилашга қаратилган тадбирларни белгиламоқда.

Янги ўқув йилидан шарқшунослик лицейи иш бошлайди. Бу ерга чет тилини пухта биладиган, дунёқараши мукаммал, нутқлари равон 400 нафар иқтидорли ўқувчилар танлов орқали қабул қилинади. Фақат ўқувчиларни эмас, ҳатто ўқитувчиларни ҳам танлов асосида ишга олинмоқда.

Лицейда 8-, 9-, 10-синфларда ўқишлар олиб борилиб, араб, турк, урду тилларига эътибор қаратилади. Ўқиш истагини билдираётган иқтидорли ёшларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда.

С. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ёшлар ижодидан



ЎТИНЧ

Сўнгги бор ўтинчим қабул эт,
Бу — қалбнинг оғуга тўлгани.
Майлига бор орзум забун эт,
Фақат сен кетмасанг бўлгани!

Муҳаббат десалар йиғлайин,
Шудир бу кўнгилнинг билгани.
Ёшлик ҳам кетади, бу тайин,
Фақат сен кетмасанг бўлгани!
Гар мени тенг билсанг ер билан —
Топтасанг бу бағрим тилгани.
Мен ўзни овутгум шеър билан,
Фақат сен кетмасанг бўлгани!
Ўтсайдим қалб сирни туймасдан,
Қўймайди тинчгина ўлгани.
Жисмимдан жон кетса-кетсину
Елғиз сен кетмасанг бўлгани!

СЕВОЛМАГАН ҚАЛБ

Алвидо демоқни этдинг ихтиёр,
Севмасанг сенда ҳам не эди гуноҳ?
Мен қолдим аҳдимда собит, исёнкор,
Сен кетдинг жимгина, бесўз, беғиғоҳ.
Изнигдан етолмай йўл йўқотдим мен,
Аламдан осмонга қанот қоқдим мен,
Қайтарсан балки деб пастга боқдим мен,
Сен кетдинг жимгина, бесўз, беғиғоҳ.
Юлдузлар маскани бўлди овунчоқ,
Бахт ваъда қилдилар туганмас, порлоқ,
Аламдан куй, дея кутгандим бироқ,
Сен кетдинг жимгина, бесўз беғиғоҳ.
Юксалдим, етолмай сорлар йиғлади,
Менингсиз дунёси торлар йиғлади,
Пойимда меҳримга зорлар йиғлади,
Сен кетдинг жимгина, бесўз, беғиғоҳ.
Ҳавойи орзулар бўлдилар тайин,
Энди бу зил зкин қайга элтайин?
Бу арши аълони сенсиз нетайин,
Сен кетдинг жимгина, бесўз, беғиғоҳ.
Парвозим етмади дил оҳларингга,
Қанотларим синиб фироқларингга,—
Йиқилиб тушдим мен... оёқларингга,
Сен кетдинг жимгина...

СЕЗГИ

Қачонлардир вақт келиб бир куи —
Тўйиб-тўйиб йиғлаб оламан.
Юракдаги бор дардларимни.
Тор замингга тўкиб соламан.
Қачонлардир пайт келиб бир куи —
Ҳаёт сирни билиб оламан.
Бу кечиккан дарс аламидан
Ерни муштлаб топтаб-толаман.
Мен бу кундан қўрқаман жуда.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«ҲАМЗА»ЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ РЕЖАЛАРИ

ҲАМЗА номли ўзбек давлат академик драма театрнинг ижодий жамоаси шу йилнинг октябрь ойида атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг соҳибаси Икрома Болтаева таваллудининг 75 йиллигини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Бу қутлуғ сана муносабати билан театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари Қашқадарё вилоятида ижодий сафарда бўлишди. «Ҳамза»чилар Икрома Болтаева туғилиб, вояга етган она-шаҳри Китобда ҳамда вилоятнинг бошқа бир қатор шаҳар ва қишлоқларида ижодий учрашувлар ўтказдилар, спектакллардан парчалар намойиш қилдилар.

Театр ижодий лабораториясининг раҳбари, ёзувчи ва драматург Муҳаммад Хайруллаев эса сентябрь ойида 60 ёшга тўлади. Шу муносабат билан ҳам рангбаранг ва қизиқарли тадбирлар белгиланган. Яқин кунлар ичида адибнинг «Биллурдаги доғ» номли пьесаси «ҳамза»чилар томонидан саҳналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Бундан ташқари, отахон театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари драматургнинг она шаҳри — Туркистонга сафарга чиқишиб, у ерда муаллифнинг ҳамюртлари иштирокида бир қатор ижодий учрашувлар ўтказадилар.

Театр санъаткорлари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни — 1 сентябрда «Соҳибқирон Темур» спектакли билан ўзларининг янги ижодий мавсумларини бошлайдилар.

Р. ҚУДРАТОВ.

ХАЛҚИМИЗНИНГ севимли хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ўз санъати билан мухлисларини мамнун этиш билан бир қаторда умидли ёшлар орасидан шогирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтининг 4 босқич толиби Ғанижон Меликулов санъаткорнинг ана шундай шогирдларидан биридир. Суратда: устоз ва шогирднинг ижодий мулоқоти.

Суратқаш: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

«ҚИЁМАТ» ҚАРЗ

• Ҳажвия •

ЙИРИК ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Тўра Тўраевич вафот этди. Директорларга сира-сира ҳавас қила кўрманг: уларнинг ҳаёти жуда серғалва, бир кеча-кундузда ўн икки—ўн тўрт соат ишлашади. Дам олиш нима, ҳайит нима билишмайди. Яёв юришни эсдан чиқариб юборишган ҳисоб, улар одатда ё юмшоқ оромкурсида ўтиришиб фармонбардорлик қилишади ёки қора «Волга»ларда юришади. Бу одамлар ўз сиҳат-саломатликларини катта маошга сотадилар, шунинг учун ҳам улар орасида олтмиш ёшни ҳатлаб ўтадиганлар камдан-кам учрайди.

Тўра Тўраевични ҳам эллик тўрт ёшида инфаркт олиб кетди. Ҳадемай видолашув, дафн маросими, «кирювдиси» ҳам ўтди. Ҳаёт ҳаёт эканда, директор лавозимига унинг собиқ ўринбосари Ваҳоб Иброҳимович Дўстов тайинланди.

Кунлардан бир кун директорнинг котибаси Таннозхон хўжайинга бир хатжилдни узатди.

— Шу хатга қандай жавоб ёзсак экан, Ваҳоб Иброҳимович?

Дўстов хатжилднинг орқаўнгини айлантириб қаради. Унинг юзига катта-катта ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Тўра Тўраевич Тўраевнинг ўзларига шахсан топширилсин».

Маркага Тошкент муҳри босилган эди.

Дўстов «шахсан ўзларига топширилсин» деган сўзларни ўқиб, шубҳага тушиб қолди. «Шахсан» дейилса ҳам майли эди-я, у иккиланиб ўтирмасдан хатжилдни очган бўларди. Одатда бундай хатларда бирлашма ходимларининг шахсий илтимослари баён этилади. Агар корхонада уч мингга яқин одам ишлашини эслатиб ўтсак, улар албатта маиший шароитларини яхшилаш ҳақида ёзишлари равшан. Янги директор ана шундай илтимосномалардан бохабар бўлиши керак, албатта. Аммо «шахсан ўзларига топширилсин» деган жумла қандайдир бир ишора эдики, Дўстов ўзининг бу сирга ошно бўлишини одобдан деб билмасди.

— Ўҳ-ў,— деб қўйди у ўйланиб.— «Шахсан ўзларига» дейилибди. Хўш, нима қилсак экан, Таннозхон? Ҳойнаҳой, очиб ўқисак... андишасизлик бўлар?

— Ҳа, шундай,— қўшилди Таннозхон узун киприкларини пириллатар экан.

— Лекин ўқимасак ҳам бўлмайди. Муҳим гап, ёзилган бўлса-чи?

— Дарвоқе, тўғри айтасиз,— деб бошлиқнинг фикрига қўшилди Таннозхон. Унинг ўша узун-узун киприклари яна пириллаб кетди.

— Хатни Каромат Абдураҳимовнага жўнатсак, нима дейсиз? (Каромат Абдураҳимовна — Тўра Тўраевичнинг беваси эди).

— Келинг, шундай қилайлик,— деди Таннозхон ва ўша чиройли киприкларини бир зумгина юмди. Дўстов ўйланиб қолди.

— Мабодо, хатда битилган гап Каромат Абдураҳимовнани хафа қилиб қўйсачи? Менинг кўнглимда сира-сира ёмон гап йўқ. Лекин турмушда шайтон йўлдан оздирган ҳоллар ҳам бўлади. ...Бу бирор бир аёл кишидан келган бўлса-чи?

— Ундоқ бўлса керакмас,— гап қўшди Таннозхон,— Жуда ёмон бўлади.

— Ўғлига берсак, қалай бўларкин?— таклиф қилди Дўстов.— Фаррух Тўраевични айтяпман-да.

— Шундай бўлақолсин,— суюниб кетди Таннозхон.

— Барибир қалтисроқда,— уф тортди Дўстов.— Ота ҳақидаги хотира покиза бўлиши керак. Ким билади, дейсиз, бу хатда нималар ёзилган?

— Хавфли экан,— маъқуллади Таннозхон.

— Зокиров ва Ортиқовани ҳузуримга айтиб юборсангиз,— деди Дўстов ўзича бир қўнимга келиб (Зокиров ва Ортиқова — бирлашманинг фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотчилари эдилар).

— Биргалашиб ҳал қиламиз,— қўшиб қўйди Ваҳоб Иброҳимович.

Учовлон ярим соат гап талашишди. Ортиқова:— Хатни очмай, демакки, ўқимай ёқиб юборайлик,— деди чўрт кесиб. Эркаклар эса: хатни ҳар қалай очиш керак, деган қарорга келишди. Хуллас, кўпчилик овоз билан у очиладиган бўлди.

Хатда бирор-бир сир-асрор йўқ экан: бор-йўқ гап шуки, Тўра Тўраевичнинг тошкентлик таниши мендан бир вақтда 45 сўм қарз олган эдингиз, шуни эслатишга журъат этдим, деб ёзибди.

Хат қисқа бўлгани учун уни тўлалигича келтириб ўтмоқчиман:

«Ҳурматли Тўра Тўраевич! Сизга ҳамкасбингиз Иброҳим Зокирович Бердиев ёзяпти. Хотирангизда бўлса, Сиз сўнгги бор Тошкентга келганингизда кенгашда ёнма-ён ўтириб қолган эдик, ўша ерда танишганмиз. Тушлик овқатга биргаликда чиқдик, дўконларни айландик. У—бу харид қилганингизда 50 сўм етмай қолди, мендан қарз олдингиз, эртасига қайтариб бераман, дедингиз. Ёнимни кавласам, бор-йўғи 45 сўмим бор экан. Кейин биз учраша олмай қолдик. Мени зудлик билан сафарга жўнатишди. Хизмат ёки яшаш манзилимни эса Сизга айтмаган эдим.

Мени авф этинг. Сизга ўша қарзни эслатиб ҳам ўтирмас эдим, нима бўпти, бор-йўғи 45 сўм-ку, ахир! Аммо квартирамни алмаштиргандан кейин бир қадар камхаржроқ бўлиб турибман. Шу сабабдан Сизни безовта қилишга мажбур бўлдим. Агар малол келмаса, ўша қарзни жўнатиб юборсангиз.

Сиздан пул келгунча, эҳтимолки, квартирамни алмаштирган бўларман. Шунинг учун ҳам пул қоғозини 212-алоқа бўлимига мен талаб қилиб оладиган тарзда жўнатсангиз.

Яна бир карра узр сўрайман. Мушкулимни осон қилишга ёрдам берасиз деб, И. Бердиев».

— Худога минг қатла шукурки, Тўра Тўраевични бадном этадиган гап эмас экан,— деди енгил тортиб Зокиров.— Каромат Абдураҳимовнага жўнатиб юбориш керак.

— Қандай бўларкин?— деди оҳиста Дўстов.— Эҳтимол, шу пулни ўзимиз жўнатармиз. Ҳар биримиз ўн беш сўмдан йиғсак бўлади-ку арзимаган пул, ахир!

— Сира арзимаган гап эмас,— деди шаддотлик билан Ортиқова.— Менимча, шундай қилсак, Тўра Тўравични хор қилган бўламиз. Наҳотки, марҳум гадо бўлса? Агар у киши тирик бўлганида бу Тўра акага сира маъқул бўлмас эди.

— Ахир у киши қазо қилганлар-ку?— эътироз билдирди Дўстов.

— Тўғри, у киши ўлган, лекин оиласи бор,— деди Ортиқова.— Агар Каромат Абдураҳимовна таклифингиздан хабардор бўлиб қолса оламни бошига кўтариб жанжал қилади. Шу аёлсиз пул масаласини ҳал қила олмаймиз.

— Тавба, қилдим, Рисолат Ғуломовна,— касаба уюшмасининг раиси гапига қўшилди Дўстов,— кечқурун ўзим хатни Тўра ака оиласига ташлаб ўтаман.

...Каромат Абдураҳимовна хонадонига Тўра Тўраевичнинг курсдош дўсти, машҳур металлург олим Юнус Абдуллаев келган экан. Марҳум вафотидан кейин уч кун ўтгач, дўстининг қазо қилганини эшитиб қолибди-ю, Фарғонадан йўлга тушибди. Афсуски, тобутини кўтариш унга насиб этмабди... Танишиб олишди. Дўстов Каромат Абдураҳимовнага хатни топширди.

— Нима ҳам дердик, эртагаёқ шу Бердиевга пулни жўнатамиз. Ваҳоб Иброҳимович, овора бўлганингиз учун узр сўрайман. Сизга катта раҳмат!

— Ўша Бердиевнинг исми-шарифи қандай экан?— тўсатдан сўраб қолди меҳмон.

— Эрим шу кишидан қарз олган экан... Бор-йўғи 45 сўм. Тошкентлик Бердиев Иброҳим Зокирович деган одам экан.

— Қани-қани, мен ўзим бир кўрай-чи.

Каромат Абдураҳимовна ҳайрон бўлиб хатни Юнус Абдуллаевичга узатди. У киши мактубни шошма-пошма ўқиб, у ёқ—бу ёғига разм солди, сўнгра ўйланиб қолди. Ниҳоят, жаҳли чиқиб кетди.

— Вой, туллак! Вой, ғирром, мараз, каззоб-ей!..

— Нима гап ўзи, Юнус Абдуллаевич, кимни койияпсиз?— ташвишланиб сўради бева.

— Ким бўларди? Шу Бердиевни сўкаяпман-да. Вой, маккор, вой, шайтони лайин-ей!— Абдуллаевнинг қони қайнаб кетди.

— Ҳой, ўзи нима гап, тушунтириброқ гапирсангиз-чи?

— Бундан уч ой муқаддам биз профессор Муҳитдиновни дафн этган эдик. Орадан беш кун ўтгандан кейин институтга худди ана шу мазмунда хат келибди. Сувнинг икки томчисидек бир хил. Уни ҳам Бердиев ёзган эди. Муҳитдиновнинг қариндошлари унга дарров 45 сўмни жўнатиб юборишди.

— Тушунолмай қолдимку,— деди Дўстов,— худди шундай хат денг. Жуда аломат-ку! Профессорингиз ҳам шу Бердиевдан қарз олган эканми?

— Бу бадбахт Бердиев— ғирт қаллоб! Наҳотки ўқиб олган бўлмасангиз?— эътироз билдирди Абдуллаев. Унинг фирибгарлигини айтмайсизми? Бирор-бир таниқли арбобнинг вафоти ҳақидаги хабарни рўзномалардан ўқиб билади-да, дарҳол ана шундай хат ёзади. Марҳумнинг хотирасини оёқости қилиб бўлардими? Қиёмат қарзини дарҳол қайтаришади... Бу текинхўр анойи эмас: беш юз сўм, минг сўм эмас, бор-йўғи қирқ беш сўм сўрайди. Эътибор қилинг, эллик сўм эмас, балки қирқ беш сўм. Одамлар ишонсин деб шундай қилади-да. Бутун жумҳуриятга ана шундай хатлар юборилса, оёқни узатиб яшаш мумкинлигини кўз олдингизга келтиринг.

— Иблис экан-ку!— деди оҳиста Каромат Абдураҳимовна.

— Марҳумлар ҳақидаги хабарларни қаердан оларкин?— сўради Дўстов.

— Қаердан бўларди, вилоят ва жумҳурият рўзномаларидан-да. У албатта кутубхонага ҳам аъзо бўлиб олган. Марказий рўзномалардан бирининг таҳририятига ҳам кириб турса керак. У ердагилар бутун мамлакатда чиқадиган рўзномаларни олишади-ку. Энди буёғи маълум... Кўриб турибсизки, у почтага юборишларини сўраяпти. Бирор-бир киши шубҳа қилиб юрмасин деб ҳар хил почта бўлимларини ёзиб юборади. Аммо қилмиш-қидирмиш дейдилар...

...Бердиевни тегишли жойлар орқали дарров топишди. У айбидан сира тонгани йўқ. Аксинча, бир қадар мақтаниброқ иқрор бўлди. Илгари ҳеч кимнинг хаёлига шундай фикр келмаган, фақат мен — Бердиевгина шу йўлни топдим, деди у.

— Гражданин терговчи, фамилиям панд бериб қўйди-да,— деди у афсусланиб. — Оғзингиздан Бердиев деган сўз чиқиши билан ҳамманинг эсида қолади. Агар Суннатов ёки Қобулов бўлганимда ҳеч ким эътибор бериб ўтирмас эди. Фарғоналик олим ҳам фамилиямни эслаб қолганда. Исм-шарифимни ўзгартирмоқчи бўлган эдим, лекин оворагарчиликка тобим бўлмади. Ялқовлик ҳам бор-да. Мен-аҳмоқ, нега энди илгарироқ, яъни қўлга тушишимдан барвақтроқ шуни ўйламаган эканман?— Бердиев зўрма-зўраки кулди.

— Демак, сиз гуноҳ қилиб, тавба-тазарруга бўйнингиз ёр бермаётган экан-да, — деб сўради терговчи.

— Хўп, мен кимни ўлдирибман, қайси саройни ёқиб юборибман, кимни зўрлабман, ким менга пора берибди? Рўзномаларда таъзиялар чиқадиган ўша таниқли одамларда-ку пул бижғиб ётибди, деб ўйлайман. Мен фақат яхши фикрим учун чойчақа олдим, холос. Кашфиётим чакки эмас-а, тўғрими?

Терговчи Бердиевга синчков назар ташлади...

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 17. VIII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар изидан».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Чолғу куйларидан концерт.
19.40 Телевизион театр. Беҳбудий. «Падаркуш».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Андижон вилояти.
21.45 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Миришкорлар».
20.55 «Сени излаб». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
21.35 «Инсон тақдири». Телеочерк.
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Остонамга эртак қунибди». Мультфильм.
8.30 «Марафон-15».
9.00 «Китобхона».
9.40 «Олтин изловчилар». Бадиий фильм (Руминия, Германия, Франция).
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
15.35 Мультфильм.
15.45 Болалар учун фильм. «Зверобой». 1-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Футбол шарҳи.
17.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
18.10 «НЭП».
18.40 Халқаро авиация байрами.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Экран»).
«Янги студия» таништиради:
21.45 «Таътил кунлари». Публицистик фильм.
23.35 «Мегамикс».
24.00 «Бомонд». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Август сабоқлари».
8.35 Мульти-пульти. «Эски аксадо ҳақида эртак».
8.45 «Жаноблар-ўртоқлар».
9.00 Россиянинг телевизион театри. «Софьяни излаб». 1-қисм,
9.45 «Очиқ олам». «Донишмандлик изловчилар».
11.05 «Волчья» сайёҳлар базаси». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.50 «Бу ерда энг каттаси мен». Маҳаллий аҳамиятга молик танлов.
15.20 «Чархпалак». «Евро-диснейленд .бўйлаб саёҳат».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Ифодалаш санъати. «Тулондаги учрашув». Лилиана Кано.
16.55 Эълонлар.

ГУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Омад».
18.30 «Манзара». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «АҚШ—СССР: катта ўйин». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм— «Совуқ уруш» (1964—1980 йиллар).
20.25 «Хоҳ ишонинг...».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.30 В. Цой. «Серқуёш кунлар».
22.30 Душанба куни детектив. «Қонундаги ўғрилар». Бадиий фильм.

Сешанба, 18. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.30 «Фитрат». Телефильм.
8.00 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
9.35 Бувайда тумани Ўқувчилар уйи «Гулшан» ансамблининг чиқиши.
10.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Андижон вилояти.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Дангаса қиз». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ишбилармон кишилар». Телеочерк.
19.50 «Спортлото».
19.55 «Қорли тоғлар бағрида».
20.05 «Мингбулоқ — она-замин инъоми». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Танбур ноласи». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматов. Видеофильм премьераси.
22.45 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Мароканд» (Самарқанд). «Қибрай» ўйинғоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 Долзарб мавзуда суҳбат.
19.55 «Азиз кишилар сиймоси».
20.50 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Лимпопо».
9.35 «Темирчи-сеҳргар». Мультфильм.
9.55 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.20 Кўрсатувлар тартиби.
13.25 «Адам Смит бойлиги дунёси».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». Борис Шахлин.
14.40 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
15.40 «Овчи». Мультфильм.
15.45 Болалар учун фильм. «Зверобой». 2-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Қўшнимиз — Хитой».
18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Аёл театрда». Ярославль фестивали.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Кутилмагаан ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.35 «Менинг азиз кабутарларим». Телефильм.
21.55 «Рус балети юлдузлари» Кўп серияли мусиқий фильм. 5-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Максима».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Мутлақо махфий».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.00 Мульти-пульти. «Момақалдироқ худоси».
9.10 Россиянинг телевизион театри. «Софьяни излаб». 2-қисм.
9.55 «Ҳайвонот оламида».
10.55 «Чашмалар». «Сольвичегорск — беш асрлик шаҳар».
11.35 Кундузги сеанс. «Шиша лабиринт». Бадиий фильм.
13.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Телебиржа.
15.25 Мульти-пульти. «До-ре-ми», «Агар мен дадамнинг ўрнида бўлсам». 1-фильм.
15.55 «Рост» студияси. «Т-клуби».
16.25 Янгиликлар.
16.40 Параллеллар. «Марина Цветаева — Владимир Маяковскийга».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Сув билан келган маданият». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қушиқлар китоби».
20.05 «Ҳожи Орифбей».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 «Россияга қараган ойна».
22.15 «Учинчи мусиқий синов».

Чоршанба, 19. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бир умрга тенг рақс». Фильм-концерт.
7.55 «Кечмишларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм.
9.30 Камер куйларидан концерт.
10.00 «Фермерлар», «Музей заллари бўйлаб». Телефильмлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-фильмлар.
18.30 Президент . фармонлари амалда. Якка тартибда уйжой қуриш тажрибасидан.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Адолат».
19.50 «Муҳаббат наволари». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 1-фильм— «Аббат Фариа». 2-фильм —. «Граф Монте-Кристо».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Она табиат». Кинопрограмма.
11.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
12.20 «Чегем ҳикояси». Бадиий фильм.
13.40 «Устозларни ёд этиб». Мусиқий кўрсатув.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Билим сарчашмалари».
20.20 Кичик концерт.
20.40 «Олтин сур». Бадиий фильм.
22.05 «Қизиқарли учрашувлар».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Довюрак қуён ҳақида эртак». Мультфильм.
10.00 «Брэйн-ринг».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.35 Мультфильмлар.
13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Оқ қушлар», «Нега энди филлар!». Мультфильмлар.
14.55 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
15.55 Мультфильм.
16.10 «Рок-сабоқ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Қаерга учаяпсан, Витар!». Мультфильм.
17.45 «Сиёсат» студияси кўрсатади: «Банк».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.40 Рус қўшиқларини Т. Петрова куйлайди.
21.55 «Городецк усталари». «Манбалар» туркумидан телефильм.
22.25 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 1-кун. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Россияга қараган ойна».
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
9.05 «Нифоқ ороллари. Японияда қараганда». 2-кўрсатув.
9.35 «Бурда модан» таклиф этади...
10.05 «Экзотика».
11.04 «К-2» кинозали. «Хотиним кетиб қолди». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.40 «Ишбилармонлик — бу эркинликдир».
14.55 Мульти-пульти. «Олтин сўзлар».
15.05 Трансросэфир. «Танлов атрофидаги мулоҳазалар».
15.40 Христианлар учун кўрсатув.
16.10 Янгиликлар.
16.25 Парламент хабарномаси.
16.40 «Утган йили худди шу куни».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «АҚШ—СССР: катта ўйин». Кўп серияли телефильм премьераси. 6-фильм — «Қуёш Шарқдан кўтарилади» (1980 — 1991 йиллар).
20.35 «Аврора зарби ёки Россия метаморфозалари».
20.40. Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Экранда биринчи марта. «Оҳ, ўрдаклар...». Бадиий фильм.
22.45 «Зулматдан зиёга». Александр Шкуратов «Триллер» театрининг супер-шоу томошалари.

Пайшанба, 20. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйинғоҳлардан дараклар.
7.30 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм.
8.05 «Ҳамқишлоқлар». Бадиий фильм.
9.30 «Сенсан севаримм». Концерт.
10.05 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.
10.45 Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

18.00 Янгиликларр.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 3—4-фильмлар.
18.30 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Санъат фидойилари». Мирпўлат Мирсоат ўғли.
19.50 «Мерос». Мақом тарихидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Навоий вилояти.
21.40 «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 3-фильм — «Интиқом».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт.
11.00 «Фарзандлар даври». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Туркистон чечаклари». Ёш ижрочиларнинг концерти.
19.40 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви.
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Найда». Мультфильм.
10.05 «Бекинмачоқ ўйини». Телефильм премьераси (Новосибирск).
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.40 «Телемикст».
13.25 «Ён дафтар».

13.30 «Бугун ва ўша пайтларда».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Бу бўлган, бўлганди...».
14.40 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.45 «Болалар мусиқий клуби».
16.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатувлари. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 1-қисм — «Василий Аксёнов».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Тулпор учун ярим бойлик». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.05 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 2-кун. Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Узлигингни излаб».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
9.00 Ҳужжатли панорама. «Августнинг уч куни».
9.45 В. Степанов рус романслари ва қўшиқларини ижро этади.
10.10 «Фавқулодда ҳодиса».
10.55 Кундузги сеанс. «Тақдир тақозоси билан». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 «Бизнес — янги номлар».
15.10 «Сигнал».
15.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.25 Янгиликлар.
16.40 Параллеллар. «Қадимий Новгород мусиқаси».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданият ёдгорликларда».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Ранг ва овоз».
20.05 «Катта опа».
20.50 Манзарали фильм.
21.03 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 Эълонлар.
21.30 «Рус балетининг умиди».
22.15 «Виват, «Россия». Оқ уйдаги митинг.
23.00 «Иркутсктелефильм» таништиради. «Нима деб атасангиз, атайверинг».

Жума, 21. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қўшиқ айтиш — орзуим менинг».
8.00 «Кўксерик». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Навоий вилояти.
10.55 Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Энг билимдон қуён». Мультфильм.
18.30 «Кичкинтой» студияси. «Висола қиз ўйнасин».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тил—маданият кўзгуси».
19.50 «Муқимий лирикаси». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Санъат усталари». Обид Жалилов.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Болалар — бизнинг келажагимиз». Кинопрограмма.
11.30 «Шарқ дурдоналари».
12.30 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Пират лақабли кучукнинг ёзишмалари». Мультфильм.
18.15 «Қумдаги этюдлар». Телефильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Биринчи байлик —деп соолук».
19.20 Телефильм.
19.55 «Сен суйгон обон». Ш. Кемелгазиева.
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Назар».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатувлари. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 1-қисм — «Василий Аксёнов».
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
12.50 Мультфильм.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Мусиқа шинавандасига совға». Ирина Архипованинг мусиқий меҳмонхонаси. 2-кўрсатув.
14.55 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
16.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.40 «Никита Кожемяка». Мультфильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
18.10 «Инжиқ малика». Мультфильм.
18.30 «Инсон ва қонун».
19.10 «ТВ-Нева: Ким биз билан!».
19.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 6-серия.
19.45 Хайрли тун кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Тунги альбом». К. Некрасова.

«ВИД» таништиради:

20.50 «Мўъжизалар майдони».
21.45 «Ҳордиқ чиқаринг».
22.00 Сиёсий бюро. «Дераза ортида август». Телевизион ҳужжатли-публицистик фильм премьераси.
23.45 «Бўрон қуши сояси». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 «Узун сочли гўзал Варвара». Бадиий фильм.
10.00 «Волга бўйлаб».
10.25 «М-трест».
10.40 «Мариин театри Метрополитен-операда».
11.20 «Агар сиз...».
11.50 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 66-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 Телебиржа.
15.55 «Терминал».
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Танаффус».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз». Видеофильм.
18.30 «Олтойликлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.
20.00 «Ёлғизлар». Видеофильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 Россия концерт арбоблари уюшмаси таништирилади.

Шанба, 22. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Охирги икки». Бадиий фильм.
9.05 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш полвонлар мактаби. 2. «Шоҳруҳ» клуби.
9.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
10.55 «Иқтисодий ҳамкорлик йўлида».
11.25 Ялла ва лапарлар.
11.55 «Экран зийнати». Кинокўрсатув.
13.45 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».
14.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга».
15.15 Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Бахтли Григорий». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

19.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мушоира.
19.50 «Кино жавонидан».

*

20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Наманган вилояти.
21.40 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.00 Янгиликлар.
11.10 «Яшил ороллардаги саргузаштлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
12.10 Спорт кўрсатуви.
12.55 «Оба дурмуши».

* * *

17.05 Туркманистон ва Ўзбекистон халқ артисти Б. Ҳамдамов куйлайди.
17.35 «Ватан посбони».
18.20 А. Бугаев. «Мен кетиш учун келдим». Телепостановка.
19.00 «Едиген». Адабий кўрсатув.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Осиё овози». Концерт.
20.45 «Кичкинтойлар сизлар учун».
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Мустақиллик. У қандай бошланди!».
22.20 «Уғил». Бадиий фильм.
23.35 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.45 Спорт ҳамма учун.
8.15 «Мусиқий чолғу асбоблари ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 11-серия — «Испан гитараси».
8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 1 ва 2-серия-лар.
10.30 Муҳофаза ёрлиғи. «Ёз ўртасидаги гуллар».
11.00 «Авиакосмик салон».
11.15 «Мусиқий дўкон».
11.45 «Диққат: ёшларнинг Х...».
12.05 «Ўз-ўзинга мадад бер».
12.35 «Янгра, гармонь».
13.30 «Илҳом манбалари».
14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Парадиз-коктейль».
15.35 «Тулки, айиқ ва кажавали мотоцикл». Мультфильм.
15.45 «Зазеркалье». «Қирол Дроздовик». Бадиий фильм (ЧСФР, ГФР).
17.15 «Раневскаяни эслаб». Телефильм премьераси. 1-фильм.
18.10 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.35 «Жаноби олийлари». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 3-кун.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Иркутсктелефильм» таништиради: «Юрий Панов ва унинг умиди».
7.50 «Гувоҳлар ҳузурида юзма-юз», Катта В. Пресняков ва кичик В. Пресняков.
8.35 «Макон».

*

9.05—14.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

14.15 «Винил чангалзорлари».
14.45 «Волга бўйлаб».
15.10 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
15.40 «Оқ қарға».
16.25 «Мегаполис».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.30 Хабарлар.
17.45 Концерт.
18.15 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм.
20.00 Ҳафта ғарҳи.
20.15 «Биз билан рақсга тушинг».
20.40 «Бизнинг уйда».
20.55 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Моррисвиль қасрининг шарпаси». Бадиий фильм.

Якшанба, 23. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Давронинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм.
9.35 «Ўзбекистон спорти».
10.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
10.55 «Тадбиркорлар ҳузурида».
11.10 «Учар ковуш». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 «Буюк ипак йўли», «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильмлар.
13.10 «Ягона оилада».

Тижорат кўрсатуви

13.50 «Истиқбол сари». Қашқадарё вилоятидан.

* * *

16.55 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон — Қирғизистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйнингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
18.50 «Скрипка чалишни орзу қилган паҳлавон». Мультфильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Шарқ бозори». Марғилон халқ театрининг дам олиш дастури.
21.35 «Фаввора». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—11.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Бобок сенин жомогун», «Сизлар биласизми!», «Ачик конул балдарбиз», бадиий фильм.

* * *

18.05 «Вася Куролесовнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Киргиздардин буткул дуйнолук курултайнна карата». «Эл дуйносу».
19.50 Ж. Саалаев. «Бешик тўйи». Телепостановка.
20.35 «Бариш Манчо ирдайт» (Туркия).

● «ОРБИТА IV»

5.20 Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.40 «Спортлото» тиражи.
7.55 «Эрта саҳарлаб».
8.35 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.05 «Тонг юлдузи».
9.55 «Пи» белгиси билан.
10.45 «Саёҳатчилар клуби».
11.35 «Янги авлод танлайди».
12.25 «Берлин. Эпсиз мақолалар».

«КТВ-I ҳамда Франс интернациональ канали» таништиради

13.00 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 12-серия.
13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 12-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 Кўрсатувлар тартиби.
14.20 «Кел, алмашамиз». Мультфильм.
14.30 «Фондаги суврат». Л Зикина.
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
16.20 «Останкино» халқаро телерадиокомпанияси «Биз» программасини таништиради.
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Раневскаяни эслаб». Телефильм премьераси. 2-фильм.
19.20 «Олтин Европа» фестивали.
19.50 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия — «Бир» (М. Горький номли киностудия, «Рапид» киностудияси).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Телелоция».
22.00 «Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда». Танаффус пайтида (23.00) —Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Аждаҳони бартараф қил».
8.00 Фольклор.

8.30—11.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

11.30 «Иккинчи жаҳон уруши болалари — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва мурувват учун». Сталинград жангининг 50 йиллигига бағишланган халқаро телемарафони.
12.00 «Мансаб». Ишбилармон кишилар танловининг иккинчи ярим финали.
13.00 Эълонлар.
13.05 Театр сафари. «Санкт-Петербург «Тўртинчи девор» театри. 1 ва 2-қисмлар.
15.00 Хабарлар.
15.20 «А» кўрсатуви.
16.20 Мульти-пульти. «Ғаройиб олма».
16.30 «Иккинчи жаҳон уруши болалари — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва мурувват учун». Сталинград жангининг 50 йиллигига бағишланган халқаро телемарафони.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.30 Хабарлар.
17.45 «Юзма-юз». Видеофильм.
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 Мусиқа оқшоми.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Иккинчи жаҳон уруши болалари — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва мурувват учун» Сталинград жангининг 50 йиллигига бағишланган халқаро телемарафони. (Танаффус пайтида — Эълонлар. Хабарлар).
23.00 Россиянинг телевизион театри. М. Булгаков. «Беҳосият тухумлар».

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ЙЎЛИДА

«ДИЁР» ФИРМА МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ

Тошкентда «Диёр» савдо акционерлик уйининг дастлабки валюта магазини очилди. Магазин ғарб услубида безатилган бўлиб, пештахталаридаги тақчил моллар кўзни қувонтиради.

Савдо уйининг муассислари бу воқеага асосли равишда тайёргарлик кўрдилар. Чунки муассисларнинг режаларига кўра фирма магазини ҳозирги вақтда ўтириб қолган «Березка» валюта магазини билан рақобат қилибгина қолмай, харидорларга хизмат қилишда сифат жиҳатидан янги поғонага чиқиши керак.

«Диёр» акциячилари орасида Ўзбекбирлашув, «Узкоопвнешторг» ташқи иқтисодий бирлашмаси, бир қанча вилоят матлубот уюшмалари, «Бидель Трейдинг ЛТД» Сингапур — афғон фирмаси каби қудратли ташкилотлар бор.

Савдо уйида Америка долларига нималарни харид қилиш мумкин? Истаган нарсангиз топилади бу ерда. Устки кийим-кечакми, пойабзалми, спорт моллариими, жаҳондаги фирмалар ишлаб чиқарган видео ва аудиоаппаратларми — хоҳлаганингизни харид қилишингиз мумкин. Бунинг устига долларнинг сўмга нисбатан қиймати ҳисобга олинса, нархи ҳам унча қиммат эмас. Яна шуниси муҳимки, магазинда ўзимизда ишлаб чиқарилган, афсуски, биз унутиб юборган маҳсулотлар сотувга чиқарилган. Ажойиб сопол идишлар, ўзбек диёрининг маҳсулотлари, винолар ана шулар жумласидандир.

— Бизнинг магазинимиз ўша анъанавий «Березка»дан нимаси билан фарқ қилади? — «Диёр» бош директори Ф. Ҳакимов шундай саволни ўртага қўяди ва ўзи жавоб қилади: — Биз тақсимлаш тизмаси асосида ишламаймиз. Ҳамма молларни бартер битимларига мувофиқ ёки валюта ва сўмга сотиб оламиз. Бу пулларни муассислар ўтказишган. Мижозлар ҳам рақобатчиларимизнинг мижозларига нисбатан ўзгачароқ бўлади: биз валютаси бўлган барча одамлар ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқдамиз. Валюта эгалари эса Тошкентда кўпайиб бормоқда. Уларнинг орасида элчихоналар, консулхоналар, савдо ваколатхоналарининг ходимлари бор. Шу ойнинг ўзида магазинимиздаги мавжуд моллар рўйхати ёзилган ҳафталик кичик каталог чиқарамиз.

«Диёр»нинг низомда кўрсатилган сармояси 40 миллион сўмдан кўпроқ ва яна 400 минг АҚШ доллари бор. Иш бошлаш учун бу озмунча пул эмас. Лекин сармоя фойда ҳам келтириши керак. Фойда нималар ҳисобидан келади?

Албатта, савдо ҳаражатлари ҳисобидан бўлади. Лекин у кўп эмас. Аммо фойда келтирмаса тижорат ҳам бўлмайди. Муҳими, эса бошқа томони.

— Биз валютаси бўлган республика саноат корхоналари ва бирлашмалари билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқчимиз, — деб давом этади Ф. Ҳакимов.— Маркетинг соҳасида тадқиқот ўтказдик. Жойларда одамлар валютани қандай тасарруф этишни билмасликлари маълум бўлди. Корхоналарнинг меҳнатчилари эса ҳозир холодильниклар, телевизорлар харид қилишга қодир эмаслар... Шу сабабли нақд пулсиз харид қилиш борасида мустаҳкам ҳамкорликни таклиф этмоқчимиз, бу бизга ҳам, меҳнат жамоаларига ҳам фойдали.

«Диёр» савдо уйи фақат тижорат фаолияти билан чекланиб қолмайди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча кичик корхона ташкил этилган. Уларнинг вазифаси — саёҳат бизнеси, меҳмонхоналар қуриш, томошалар ташкил этишдир.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ЎГИТЛАРИ

● Қаноат билан ҳеч киши ўлмас,
Хасисликда ҳеч ким султон бўлмас.
● Ҳар кимки ҳаётин ишқ билан безар,
Кофирдир олдида ўзга бандалар.
● Чун дарахтдир яхши ният одамлар,
Яхшиларни меҳр ила парвариш қил.
● Гар жонинг бўлса сен учун ширин,
Жои жавҳарни семизликдан асрагин.
● Осмон ошиқ бўлгани учун,
Кўксига боқ тоза — мусаффо.
Қуёш ошиқ бўлгани учун,
Бизга сочар ёруғлик — сафо.
● Кўрлар кўрлиги раҳматдан йироқ эмас,
Ҳирс кўрлигидан мени маъзур тут.
● Дил аҳлидан бўлсанг, некбин бўл.
● Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил.
● Аҳли карам кўзлари жои ганжидир,
Ноаҳиллар чашми жон ранжидир.
● Хазинада илон, гул ёнида хор,
Шодлик ёнида ғам, шундай бу бозор.
● Кимки комил, бўлмагай ғафлат анга,
Ғафлатин илми хирад подош этар.
Кимки жоҳил, бўлмагай ҳикмат анга,
Илми ҳам бир кун жаҳолат фош этар.
● Заррача ақлинг бўлсин, рўза-намозингдан афзал эрур.
● Тоққа чиқмай киши қўли лаълга етмас,
Дарё тубига тушмай, маржонни тутмас.
● Тор кафшдан соз юрмоқ ялангоёқ,
Уйда жанжал бўлса, ғурбат яхшироқ.
● Ким машаққат чекди — топди ғазна ҳам,
Ким тиришқоқ бўлди — кўп топди карам.

Б. ТУРҒУНОВ таржимаси.

Қутлаймиз!

Ҳурматли додажонимиз АБДУМУМИН ТУЛАГАН ўғли!

Сизни қутлуғ 60 ёшга тўлган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга чинор ёшидек узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, севимли ва меҳрибон Маҳбубахон ойижонимиз билан ширин ва бахтли-саодатли ҳаёт кечиришларингизни тилаб қоламиз.

Набираларингиз:
ШЕРЗОДЖОН ва БЕҲЗОДЖОНлар.

«ЁЛЛАМА» ЭМАС, «ЁНЛАМА»

Чиноз районидаги Яллама қишлоғи асл номи тўғрисида узоқ вақтдан бери ҳар хил таҳминлар айтиб келинади. Ҳақиқатан ҳам унинг номи нимадан ёки қаердан келиб чиққан. Ялламалик табиётжўғрофия ўқитувчиси Абдуолим Муҳаммадалиев ўз шахсий мулоҳазаларини газетамизга ёзиб юборибди.

«ТОШКЕНТ ҳақиқати»нинг ўтган йилги сонларидан бирида тарих фанлари доктори, профессор А. Набиевнинг кичик мақоласи эълон қилинган эди. Унда ҳурматли профессор «Яллама» атамасининг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритган ҳамда қишлоқнинг номланиш тарихини бутунлай нотўғри талқин қилган. Мен домлани яхши танийман, бир олийгоҳда таълим олганмиз, Ялламада ҳам кўп марта меҳмон бўлганлар. Шу боисдан профессорнинг: «Қишлоқнинг номи «Ёлланиб» ишлаганлар номидан келиб чиққан, шунинг учун «Ёллама» деб аталган», деган сўзлари ҳаммамизни ҳайратга солди.

Кексаларимизнинг айтишларича, аждодларимиз етти пуштини ҳам пухта билишар экан. Ҳўш, бизнинг фарзандларимиз билишадими? Афсуски, улар ҳатто қариндош-уруғларини дурустроқ танимайдилар. Бунга ўзимиз айбдор. Менимча, ҳар бир киши ўз уруғ-аймоғини, киндик қони тўкилган жойлар тарихи, номини беш қўлдек билиши керак. Масалан, ялламаликлар ўз қишлоқлари асл номини билмайдилар. Бундан буён тарихимизни чала ўрганишга чек қўйишимиз керак.

Ялламанинг асл номи қандай бўлган? Мен бу саволга жавоб топиш мақсадида қишлоғимиз кексалари билан суҳбатлашдим, турли ҳил афсоналарни ёзиб олдим. Менга ўтган йили 97 ёшида вафот этган Рустам ота Ҳайитов, 90 ёшлар чамасидаги Абдуқодир ота Пирматов, Юсуф ота Мадумаров, Мирзааҳмад ота Нортоевлар яқиндан ёрдам бердилар. Уларнинг ҳикоя қилишларича, Яллама қишлоғининг энг қадимги ўрни «Овдур ота» қабристони атрофидаги дўнгликда жойлашган. Овдур ота тарихий шахс бўлиб, араб лашкарларининг бошлиғи экан. У тахминан VI—VII асрларда жангда ҳалок бўлган ва шу ерга кўмилган.

Қишлоққа аҳоли бундан 600—800 йил аввал Тошкент яқинидаги Дўрмон қишлоғидан босқинчилар зулмидан қочиб келган. Кейинчалик туркман, қипчоқ, қатағон каби уч-тўрт хонадондан иборат кўчманчи қабилаларнинг келиб қўшилиши натижасида аҳоли кўпая бошлаган. Мен суҳбат қилган отахонлар ана шу уруғ ва қабилаларнинг авлодлари эканликларини тасдиқлайдилар.

Шахсий фикр

Бундан бир неча юз йиллар муқаддам Сирдарё суви «Овдур ота» қабристони атрофларини, тепаликларни уч томондан айланиб оққан. Тепалик фақат шарқ томондан қуруқлик билан туташиб турган. Шарқдан оқиб келувчи Сарисув дарёсидан канал қазилиб, тепаликнинг шарқ томони ҳам сув билан ўралган, қишлоқ атрофига баланд деворлар урилган, қўрғонга мустаҳкам кўприк орқали кирилган. Сарисувдан ўтказилган канал ўрни текисланиб кетган, лекин Сирдарёга қуйиладиган жойи ҳозир ҳам билиниб турибди.

Шарқ ва жанубий шарқ томондан қадимий «Ипак йўли» Тошкент, Чиноз билан боғланган. Чиноздан чиққан карвон Яллама орқали Сирдарёдаги кечувдан ўтиб, Самарқанд йўлига тушиб олган. У пайтларда Яллама билан Чиноз оралиғи тўқайзорлардан иборат бўлиб, ўртасидан оққан Сарисув Сирдарёга бориб қўшилган. Боболаримиз тўқайзорларда бўрилар, ҳатто йўлбарслар ҳам кўп бўлган, дейишади. Улар жўғрофий жиҳатдан қулай жойда қўрғон қуришган. Аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланган, балиқ овлаган, кейинчалик деҳқончилик, боғдорчилик қилган.

Қишлоқ қўрғонида дастлаб 25—30 чоғли оила яшаган. Ўшанда қишлоқнинг номини «Ёнлама» деб аташган. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, агар қишлоққа ёв бостириб келса, одамлар қалин тўқайзорларни оралаб, дарёдаги кечувни ёнлаб сузиб ўтишган. Баланд тепаликдаги кузатувчи эса «Ёнлаб ўт», «Ёнлаб сузи!» деб айтиб турган. Аввал ёш болалар, аёллар, кексалар, мол-ҳоллар олиб ўтилган, сўнгра қўрғон ҳимоячилари жангчиларга навбат келган. Карвонлар ҳам кечувдан ёнлаб ўтган. Демак, «ёнлаб» сўзидан «Ёнлама» келиб чиққан, кейинчалик бу атама «Яллама»га айланиб кетган.

Менимча, қишлоғимизнинг асл номи «Ёнлама»ни тиклаш керак.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Чиноз районидаги Маҳмуд Пўлатов номли мактаб ўқитувчиси.

МУАЛЛИФДАН: мен ушбу мақолам қалам ҳақини «Тошкент ҳақиқати» фондига ўтказишларингизни илтимос қиламан.

ЭЪЛОН

«Тошкент ҳақиқати» газетасига доимий ишлаш учун малакали сураткаш КЕРАК.
Мурожаат учун телефон: 33-48-08.

Тошкент вилоят ҳокимлиги жамоаси вилоят Ҳокимининг муовини А. А. Раҳимбоевга умр йўлдоши Шафқат Иброҳимовна РАҲИМБОЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти молия бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармаси жамоалари вилоят Ҳокимининг муовини А. А. Раҳимбоевга умр йўлдоши Шафқат Иброҳимовна РАҲИМБОЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Г-284. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босмага топшириш вақти — 20.30. Босмага топширилди — 20.10. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12